

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ражабов Бекзод Халимович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Академияси катта ўқитувчиси

bekzodrajabov@973gmail.com

+99891-980-25-19

Аннотация: Мазкур мақолада айбини тан олиш ҳақида келишув тузишга оид назарий ва амалий муаммолар, уларнинг ечимига бағишланган фикрлар илгари сурилган. Айбини тан олиш ҳақидаги келишувнинг мазмун-моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: айбини тан олиш ҳақида келишув, суд, прокурор, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, жабрланувчи

ОСОБЕННОСТИ ЗАКЛЮЧЕНИЯ СОГЛАШЕНИЯ О ПРИЗНАНИИ ВИНЫ.

Аннотация: В данной статье изложены теоретические и практические проблемы заключения соглашения о признании вины, а также предложены идеи по их решению. Описаны сущность и характерные особенности соглашения о признании вины.

Ключевые слова: соглашение о признании вины, суд, прокурор, гражданский истец, гражданский ответчик, потерпевший.

SPECIFIC FEATURES OF CONCLUDING A PLEA AGREEMENT

Abstract: This article discusses theoretical and practical issues related to the conclusion of a plea agreement and presents ideas for their resolution. The essence and distinctive features of the plea agreement are highlighted.

Keywords: plea agreement, court, prosecutor, civil plaintiff, civil defendant, victim.

Соддалаштирилган иш юритиш шакллари жорий қилиш иқтисодий ва ташкилий сабаблар билан бирга миллий менталитетнинг асосий хусусияти бўлган ижтимоий муроса ғоясини жиноят процессидаги ифодасига айланиб бормоқда.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув институти жиноят суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган шаклига тўла мос бўлиб, ушбу институт

амалдаги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигимизга Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ – 675 -сонли Қонунига асосан киритилган¹.

Амалдаги ЖКнинг 57²-моддасида, айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят Кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Ушбу институт асосан, АҚШ, Европа ва айрим МДХ мамлакатлари жиноят ишларини юритишни назарда тутувчи қонунчилиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўплаб қўлланиб келинади.

Жиноий ишларини қисқартирилган тартибда кўриш борасидаги жаҳон амалиётида мавжуд ижобий иш юритишнинг миллий процессуал қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий механизмлардан биридир².

Унинг асосий моҳияти шундаки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига айрим имтиёзлар берилишини назарда тутуди.

Имтиёз шуки гумон қилинувчи, айбланувчи судланувчи ўзининг содир этган жиноятини исботловчи далилларни бевосита ўзининг ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ўз ихтиёри билан тақдим этиши, жиноятни фош этишда фаол ёрдам бериши, айбига иқror бўлиши, прокурор томонидан эълон қилинган айбловга нисбатан қарши бўлмаслиги унга нисбатан судда кўрилган иш бўйича жиноят қонунчилиги бўйича тайинланиши лозим бўлган жазонинг энг кўп миқдорининг ярмидан ортиқ тайинланмаслигини англатади³.

Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув шахс ўзига нисбатан юритилаётган жиноят иши бўйича эълон қилинган гумон, айбловга рози бўлган тақдирда прокурор билан тузилади.

Жиноий ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш борасидаги жаҳон амалиётида мавжуд ижобий иш юритишнинг миллий процессуал қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий механизмлардан биридир.

Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувнинг асосий мақсади — давлат айбловчисининг айбланувчини содир этган жинояти юзасидан иқrorлиги асосида судда енгил жазо тайинлашга эришиш, шунингдек, овогарчиликларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/5295912?ONDATE=18.02.2021%2000#5296934>

² Ахмедов Ш. [Айбга иқrorлик бўйича келишув – қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари](https://old.sud.uz/ccr_slider/айбга-иқrorлик-бўйича-келишув-қонунч/) //

³ https://en.wikipedia.org/wiki/Plea_bargain

келитириб чиқарадиган суд жараёнларини соддалаштиришни таъминлаш ҳисобланади.

Бунда гумонланувчи ёки айбланувчи жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади.

Айбига иқрорлик тўғрисидаги «келишув» сўзининг маъноси ҳам икки келишаётган томоннинг ўзаро қулай ва манфаатли мақсадлар марказини топишини англатади.

Жиноят-процессуал қонунчиликда мазкур сўз айбланувчи билан давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишувни ифодалайди.

Бундай келишувлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади.

Аслида, «келишув» сўзининг маъноси ҳам икки келишаётган томоннинг ўзаро қулай ва манфаатли мақсадлар марказини топишини англатади. Жиноят-процессуал қонунчиликда мазкур сўз айбланувчи билан давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишувни ифодалайди.

Мазкур институт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ундан Б.Британия судлов тизимида ўрта асрлардан бошлаб қўлланилган.

Кейинчалик АҚШ қонунчилигида ушбу институт ҳам жорий қилинган.

Ҳозирги вақтда АҚШ Жиноят - процессуал қонунчилиги тизимида ундан самарали фойдаланилмоқда.

Хусусан, 2019 йил давомида АҚШ федерал судларининг 95 фоиз ишлари келишиш асосида ўз ечимини топган. Буюк Британияда эса, бу кўрсаткич камроқ нисбатни ташкил этади, яъни магистрат судларда кўрилган ишларнинг 87 фоизи келишув асосида тугалланади⁴.

Айбга иқрорлик ҳақида келишув институти қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- дастлабки тергов органларининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни тергов қилишга кетадиган куч ва воситалари, ресурсларини тежаш;

- айбланувчининг тергов билан ҳамкорлик қилишига эришиш ва бунинг ёрдамида тез ва минимал воситалар ёрдамида содир этилган жиноят ҳолатларини аниқлаш, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилиш;

- жиноят содир этилган вақт ва иш юзасидан якуний қарор қабул қилиш оралиғидаги вақт оралиғини қисқартириш;

⁴ Ахмедов Ш. [Айбга иқрорлик бўйича келишув – қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари](https://old.sud.uz/ccr_slider/айбга-иқрорлик-бўйича-келишув-конунч/) // https://old.sud.uz/ccr_slider/айбга-иқрорлик-бўйича-келишув-конунч/

-жиноят суд ишларини юретишни мақбуллаштириш, жиноят процессини муддатини қисқартириб, унинг самарадорлигини ошириш⁵.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг ижобий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Жумладан, ўзаро зиддиятда бўлган томонлар муносабатларининг тез орада юмшаши, айбланувчи ёки судланувчининг айбига иқрорлик билдиришга тайёрлиги, жазони ўтай бошлаши, судлов ва айблов органларининг вақт ва маблағлари тежалиши, айблов органлари ўз вақтини оғир жиноятларни очишга қаратиши ва судларда жиноят ишларини кўрилишининг камайишига олиб келиши билан белгиланади.

Мазкур институтнинг ижобий жиҳатлари билан айрим салбий хусусиятлари ҳам кўрсатилади.

Салбий хусусияти сифатида дастлабки тергов органларининг айбни мажбурий жисмоний ва маънавий жиҳатдан таъсиркўрсатиш «ҳар қандай ҳолатда тан олдиришга интилиши» натижасида айбланувчи ўзини ўзи ёлғон айб-лаш ҳолати, айбсиз инсоннинг айбланувчига айланиб, жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолиб кетиши, шунингдек, содир этилмаган жиноят учун айблов эълон қилиш ҳолатларида намоён бўлади.

Бундай салбий жиҳатларни олдини олиш учун айбга иқрорлик келишуви суд томонидан кўриб чиқиб тасдиқланади.

Бу пайтда суд келишувнинг ихтиёрий тузилганлиги, тузилган келишувнинг мазмун-моҳияти ва шартларини тушунган – тушунмаганлиги, келишув тузининг оқибатлари ва уни шахсан унинг ташаббусига асосан тузилганлигига ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланади.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида мансаб давлатларнинг қонунчилигида, “guilty plea” Айбланувчи томонидан айбнинг тан олиниши унинг ижтимоий хавфли қилмиши юзасидан суд муҳокамасидан воз кечганини кўрсатади.

Plea bargaining эса, айбланувчи прокурор билан келишув имзолашини англатади. Бизнинг амалдаги жиноят-процессуал кодексимидаги белгиланган нормалар англосаксон ҳуқуқ тизимининг Plea bargaining шаклига яқинроқ.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилиши билан айбланувчига айблов чегарасининг доираси қисқартирилиши олиб келади.

Бундай қисқариш айбланувчининг жинойий ҳаракатлари эпизодларининг чиқарилишини билдиради.

Шу билан бирга айбланувчи хатти-ҳаракатлари бўйича моддий ҳуқуқ нормаси билан тақиқланган ҳаракатни енгилроқ томонга малакалашни билдиради.

⁵ Дусманов С.А. Соддалаштирилган тартиб институтини жиноят ишлари юритувига жорий қилиш истикболлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг 18-бети.

Келишув тузишнинг айбланувчига яна билан ижобий томони жазо ҳажми, миқдори ва ўташ тартибининг қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроғи тайинланишидадир.

Айбни тан олиш ҳақида келишув институти ярашув муносабати билан ишни тамомлашдан фарқ қилади.

Ярашувда жабрланувчи ва судланувчи ўзаро ярашса, келишувда айбланувчи ва прокурор ўртасида келишув тузилишини аниқлатади.

Келишув тузиш учун прокурор ва судланувчи ўртасидаги муайян шартлар яъни жабрланган тараф ёки фуқаровий даъвогарнинг фикри бундай келишув тузишда инобатга олинади.

Жиноят иши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг айбга иқроқлик бўйича келишуви судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда суд айблов ҳукми чиқариб, жазо тайинлайди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида айбни тан олиш ҳақида келишув тузишда айрим муаммоли жиҳатлар учрамоқда.

Фикримизча, прокурор судда давлат айбловини қувватлар экан, прокурор “судланувчи билан келишади” деган фикр прокурорнинг касбий хусусиятига мос тушади дейиш қийин.

Лекин, прокурорлар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларихимоя қилувчи, қонун устуворлигини таъминловчи унинг касбий хусусиятига хос ва мосдир. Ўйлаймизки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси янада юксак поғонага кўтарилишида муҳим омил бўлади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/5295912?ONDATE=18.02.2021%2000#5296934> мурожаат этилган сана: 14.12.2024 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // <https://www.lex.uz/acts/111453> мурожаат этилган сана: 14.12.2024 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси // <https://www.lex.uz/acts/111460> мурожаат этилган сана: 14.12.2024 йил
3. Дусманов С.А. Соддалаштирилган тартиб институти жиноят ишлари юритувига жорий қилиш истикболлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг 18-бети.
4. Аҳмедов Ш., Шарипова Н. Айбга иқроқлик бўйича келишув – қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари // https://old.sud.uz/ccr_slider/айбга-икроқлик-бўйича-келишув-қонунч/